БОЛАЛАРГА ОМОНАТ ДАФТАРЧА

БУХОРО. Олот туманидаги "Баҳористон"қишлоқ фуқаролар йиғини "Бухоро" жамоа хўжалигининг кам таъминланган оилаларидан 32 нафар болани муҳофазага олди. Бу болалар номига Халқ банкида мақсадли омонат дафтари очилди. Ҳар бир болага қўйилган 100 сўм улар 18 ёшга кирганда 102400 сўмга айланиши кутилмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ.

"САХОВАТ"НИНГ СОВҒАСИ

ТЎРТКЎЛ. Туман уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши қошида "Саховат" жамғармаси фаолият кўрсатмоқда. Бу жамғарманинг савобли ишларидан отахону онахонлар беҳад мамнун. Яқинда "Саховат" яна бир ҳиммат кўрсатиб, уруш фахрийлари, Афғонистон уруши қатнашчилари ва Чернобиль ҳалокатидан зарар кўрган ногиронлар ва кам таъминланган оилаларга турли совға-саломлар улашди.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

ҚИШЛОҚДА ХАЛҚ БАНКИ БЎЛИМИ ОЧИЛДИ

ЖИЗЗАХ. "Раллаорол" илмий-ишлаб чиқариш агрофирмаси марказий қўрғонида республика Халқ банки бўлимининг янги бинося фойдаланишга топширилди.Кўркам ва безакли бу бинони 3-хўжаликлараро кўчма колонна бунёдкорлари барпо этишлар. Энди фирма меҳнаткашлари ўз жамғармаларини қўйиш учун 35 километр йўл босиб, туман марказига бориб юрмайдилар.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ.

РАҚАМЛИ ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯЛАР

ХОРАЗМ. Урганчда рақамли телефон станциялари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. "Алоқа ДЭУ" Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонаси Марказий Осиёда ягона телекоммуникация маскани ҳисобланади. Корхона йилига 200 минг номерли телефон станциялари ишлаб чиқариш қувватига эга. Бундай станциялар Фарғона, Наманган, Қорақалпоғистон ва Асака шаҳрида илк марта созлаб қўйилди. Қўшма корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, яна 300 киши иш билан таъминланади.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

СЎНГГИ СОАТДА

ФУТБОЛ ОШУФТАЛАРИ

НАМАНГАН. Уйчида "Хотира-79" мусобақалари халқаро баҳсга айланди. Маълумки, 1990 йили биринчи марта ўтказилган мусобақада барнаулликлар, кейин уч марта "Пахтакор" футбол мактаби, сўнг икки марта республика футбол мактаб-интернати жамоалари зафар қучган эдилар. Бу сафар биринчи ўрин Тошкентнинг "Ватанпарвар" футболчиларига насиб этди. Ўзига хос футбол кунларида Наманганда футбол лицейининг очилиши ҳам эсда қоларли бўлди.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

ЎН УЧ МИЛЛИОН СЎМЛИК МАҲСУЛОТ

СИРДАРЁ. Баҳт шаҳрида қўшма корхона ишга туширилди. Белоруссия билан ҳамкорликда бунёд этилган бу корхона шаҳар пахта тозалаш заводи қошида тикланди. Бу ерда ҳозирча 40 нафар киши меҳнат қилмоқда. Кунига 1800 метр бўз ва дарпарда тайёрланмоқда. Корхона ойига қариб 13 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Абдужалил УМАРОВ.

ҚОВУННИНГ ЗЎРИ "ҚАРИҚИЗ"ДА

ҚАШҚАДАРЁ. Нишон туманидаги "Пахтаобод" жамоа хўжалигида уста полизчи Ҳаким ота Усмоновни ҳамма билади. Ота 51 йилдан бери деҳқончилик қилади. У 40 га яқин қадимий қовун-тарвуз навларини тиклаб, кўпайтирмоқда. Яратган "Воҳармон", "Пахтаобод", "Пахтаобод кўкчаси", "Қариқиз", "Кўк калапуш" сингари тилими тилни ёрар қовунлари ҳақида кўп гапириш мумкин.

Илҳом КАРОМОВ.

САҲНА УСТАЛАРИ МАСКАНИ

ФАРҒОНА. Санъат билим юрти водийдаги кекса даргоҳлардан бири. Бу ерда 40 йилдан буён созанда-бастакор, рассом ва санъат усталари тайёрланади. Вилоят драма ва комедия театри жамоасининг илтимосига кўра, бу ерда актёрлик бўлими ҳам очилди. Дастлабки гуруҳда иқтидорли ёшлар саҳна санъати сирларини ўрганмоқдалар.

Алишер ИБОДИНОВ.

ФАКТЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 21 сентябрь, шанба № 123 (22.044).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори

«СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси биринчи ўқишда маъқуллансин.

2. «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилинсин.

3. Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси тушган таклифларни умумлаштирсин ҳамда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ишланиб маромига етказилган лойиҳасини Олий Мажлис муҳокамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1996 йил 29 август.

(Ушбу Қонун лойиҳаси газетанинг 2-саҳифасида эълон қилинмоқда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ТОШКЕНТ ШАҲАР РУҲИЙ КАСАЛЛИКЛАР КЛИНИК ШИФОХОНАСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, республикада соғлиқни сақлашни ривожлантиришдаги хизматлари, барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга, руҳий беморларни даволаш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Дуношкина Александра Андреевна — бўлим мудири

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Ҳаитбоева Малика Мелибоевна — катта ҳамшира

Шобабаева Рафиқа Содиқовна — врач-ординатор

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИЛСИН:

Ҳусанхўжаев Хайрулла Нуруллаевич — бош врач

ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

Лозович Ольга Ивановна — ҳамшира

Пискарева Нина Ивановна — санитарка

Остапенко Антонина Владимировна — санитарка

Хуснуддинова Галина Анатольевна — катта ҳамшира

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 20 сентябрь.

АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИ — БОШ МЕЗОН

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ АНДИЖОН ВА НАМАНГАН ВИЛОЯТЛАРИГА ҚИЛГАН САФАРИ МОБАЙНИДА БУ ФИКР АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ

Аҳолига хизмат кўрсатиш қанчалик савоб иш эканлигини ортиқча таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Бу борада ислоҳот талабларини ҳисобга олган ходимларга ютуқ ёр бўлмоқда, эскича қарашдан қутулолмаётганлар эса айбни ўзларидан бошқага тўнкашдан нарига ўтмаяптилар. Фикримизни икки мисол билан далилламоқчимиз.

Ишчилар шаҳарчаси яқинида жойлашган «Лайло» жамоа корхонаси аҳолини мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ниятида очилган. Лекин «ранг кўр, ҳол сўр» деганларидек, аҳволнинг хароблигини чириб кетган карамлар, сочилиб ётган пиёзлар, бўмбўш пештахталар шундоқ айтиб турибди. Дўконнинг тижорат қисмида савдо қилаётган йигит ўзини Дилмурод Усмонов деб таништирди. Сабзавот қисми ёпиқлиги сабабини сўраб турганимизда бир йигит ҳовлиқиб келиб қолди:

— Нега бизнинг дўконни расмга оляпсизлар?

— Кечирасиз, дўконни очасизми, ичкаридаги аҳвол билан танишсак.

— Молнинг ўзи йўғу, очиб нима қиламан?

— Кеча қанча пуллик савдо қилдингиз?

— Мол йўқ бўлса, савдо қаёқдан бўлсин? Ойнадан кўриниб турган пиёзлар сомсаники...

— Исми—шарифингиз ким?

— Мени қўйинг, мен кичкина одам.

Шу атрофдан ўтаётган харидорларни суҳбатга тортамиз.

— Бу ердан маҳсулот олиб турасизми?

Ўзини Галина Асанова деб таништирган аёл:

— Бу ердан кўра бозордан олганим яхши-ку, — деди.

Афсус, бор маҳсулотлар ҳам дид билан қўйилмаган. Наҳотки мижозлар эътиборини жалб қилиш учун озгина хафсала етишмаса?

● *Бежирим идишдаги маҳсулотлар баҳри-дилингизни очади.*

● *«Оёғи осмондан» ёпиштирилган ёрлиқлар ишга қандай муносабатни англатгандай.*

● *Бўм-бўш пештахталар дўкон соҳибининг қандай иш юритишини акс эттириб турибди.*

● *«Бешёғоч» фирмаси пештахтасидаги маҳсулотлар кўзни қамаштиради.*

Алмурод МАМАДАМИНОВ олган суратлар.

Ҳолбуки, бу ишни қай тарзда ташкил этиш кераклигини амалда кўрсатиб келаётган дўконлар пойтахтда анчамунча. Шулардан бири «Бешёғоч» фирмасидир. Хусусийлаштириш шарофати билан тобора гуркираётган бу дўкон кун бўйи харидорлар билан гавжум. Пештахталар аъло сифатли маҳсулотлар мўллигидан кўзни қамаштиради. Фирма директори ўринбосари Фаррух Расуловнинг айтишича, мазкур дўкон Ер юзидаги 23 та фирма билан ҳамкорлик қилади. Кунлик тушум ўртача 400 минг сўмни ташкил этмоқда. Эҳтимол, баъзилар оддий дўконни «Бешёғоч» фирмаси билан таққослаш ноўрин дейишлари мумкин. Йўқ, биз «Қўҳота» маҳалласи қошида очилган кичик мева-сабзавот дўкони иши билан танишдик. Бу ерда янги узилган маҳсулотлар дид билан қўйилганлиги учун харидорлар мамнун савдо қилишмоқда. Демак, гап дўконнинг катта-кичиклигида эмас, унинг соҳиби ўз ишига муносабатида экан.

Президентимиз шу ҳафта ичида Андижон ва Наманган вилоятларига сафар қилганларида аҳоли эҳтиёжи билан боғлиқ жойларда мавжуд камчиликларни кўрсатиб, аҳволни яхшилаш бўйича кўрсатмалар бердилар. Бу гаплар ҳаммага бирдай тааллуқлидир.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

ОЛИМ ЮБИЛЕЙИ

Ўзбекистон ФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор, 1941—1945 йиллардаги фашизмга қарши уруш қатнашчиси F. A. Аҳмедов туғилган кунга 80, илмий-педагогик, меҳнат фаолияти бошланганига 60 йил тўлиши муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Институт директори, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалолов фан фидойисининг катта ҳаёт йўли ва ибратли меҳнат фаолияти ҳақида маъруза қилди. Сўзга чиққан таниқли олимлар, юридик ўқув юртлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, хорижлик меҳмонлар, F. A. Аҳмедовнинг шогирдлари юбилярни қутлуғ сана билан муборакбод этдилар ва унинг мустақил Ватанимизнинг илм-фани равнақи йўлидаги саъйи ҳаракатларига омад тиладилар.

УЧ КУННИНГ МУҲИМ БИР ҲАҚИҚАТИ

Воқеадан хабардор кўпчилик сарлавҳадан гап нима ҳақида кетаётганини пайқаб олиши қийин эмас. Шундай бўлса-да, яна бир бор эслатмоқчимиз: мамлакатимиз пойтахти Тошкентда 11-13 сентябрь кунлари Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар» мавзуидаги халқаро кенгаш-семинари бўлиб ўтди. Унда Америка, Европа ва Марказий Осиёдаги ўндан ортиқ мамлакатлар делегациялари, БМТ, ЕХҲТ, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда «Ҳюмен райтс вотч», «Эмнисти интернейшнл» каби давлатга қарашли бўлмаган ва жамоат ташкилотлари вакиллари, хорижий ҳамда маҳаллий журналистлар иштирок этишди. Анжуман ЕХҲТнинг демократик муассасалар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ҳамда Ўзбекистон ҳукумати ташаббуси билан ўтказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон 1992 йил январь ойида ЕХҲТга аъзо бўлганидан буён мазкур нуфузли ташкилот билан яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу пайтгача Тошкентда ЕХҲТнинг бир қанча анжуманлари ўтказилди. Бир йил муқаддам Будапештда бўлиб ўтган йиғилишда мамлакатимиз делегацияси қатнашиб, барқарорлик ва тинчликка қаратилган бир қанча муаммоларни кўтариб чиқди.

Бинобарин, мазкур кенгаш-семинарни Ўзбекистонда ўтказилишининг ҳам ўз сабаблари бор. Негаки, мамлакатимиз 1993 йилда инсон ҳуқуқлари бўйича жаҳон конференциясида тасдиқланган тамойилларга содиқ эканлигини намойиш этиб келмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилишга қаратилган қонуний асослар ҳамда ҳуқуқий муассасалар яратилган. Мустақиллигимизнинг дастлабки беш йилидаёқ фуқароларнинг у ёки бу ҳуқуқларини акс эттирувчи 300 дан кўпроқ Қонун ва Олий Мажлиснинг Қонунга тенглаштирилган қарорлари қабул қилинганлиги бунинг ёрқин исботидир.

Президентимизнинг кенгаш-семинар иштирокчиларига қилган мурожаатида қайд этилганидек, Ўзбекистон ўз мустақиллиги ва суверенитетига қатъий амал қилган ҳолда, халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида халқаро алоқаларни фаол ривожлантирмоқда ҳамда улкан интеграциялашув жараёнига дадиллик билан кириб бормоқда.

Бунда Ўзбекистоннинг ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш, бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилига асосланган ўзига хос ва ўзига мос эволюцион йўли ижобий роль ўйнамоқда.

Иштирокчиларнинг эътирофларича, анжуман Президентнинг Олий Мажлис сессиясида баён қилинган, ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократиялашга қаратилган дастурини амалга ошириш юзасидан жиддий қадам бўлди.

Шу маънода Белгия Халқаро муносабатлар қироллик институти профессори Р. Якимчук билдирган фикрлар эътиборга лойиқдир:

«Семинар муваффақиятли ўтди. Президент Каримов тажрибасини кенг ёйиш учун барча асослар мавжуд. Танлаган йўлингиз тўғри эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилдим. Ҳаётнинг барча қатламларини босқичма-босқич ислоҳ қилишнинг, айниқса, бошқа МДҲ мамлакатларига нисбатан реал афзалликларига амин бўлдим. Бу жараённи сунъий тезлаштириш мумкин эмас. Бундай қилиш нафақат нотабиий, балки энг ёмон салбий оқибатларга олиб келиши мумкин».

Анжуманда кенг маънода инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар ташкил этиш — Марказий Осиё давлатларининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалари фаолиятини такомиллаштиришда уларнинг ЕХҲТга аъзо бошқа мамлакатларнинг шу хил муассасалари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳақида гап борди. Ва шу нарса алоҳида таъкидландики, ҳар бир халқ, ҳар бир давлат ўтмиши, миллий анъаналари, асрлар давомида тўплаган тажрибаси, ўз тараққиёт йўлига эга. Ҳар бир давлат демократия қурилишида ўз миллий нуқтаи назаридан келиб чиқади. Такрор бўлса ҳам айтиш жоизки, бу мезон тараққиётимиз туб асослари, тамойилларидан бири. Бинобарин, шундай фикрни ЕХҲТ бўлими ходими, семинар иштирокчиси П. Щеки лафзидан эшитиш янада мароқли:

— Тошкент семинаридан ўзим учун кўп нарса олдим, — деди венгриялик таниқли мутахассис. — Менда истиқбол йўлини тўғри танлаганингизга заррача шубҳа йўқ. Инсон ҳуқуқлари муаммоси ҳамма жойда бор. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқлари институтларини жорий этиш шўролар истибдодидан озод бўлган мамлакатларнинг барчаси учун ғоят муҳим. Ўзбекистонда Европа тажрибаси жиддий ўрганилаётганини ҳис этдим. Лекин, менинг назаримда, биз ўзимиз ўрганишимиз лозим бўлган жиҳатлар ҳам анчагина экан.

Дарҳақиқат, Белгия Халқаро муносабатлар қироллик институти директори М. Боксталь таъкидлаганидек, анжуман иштирокчилар учун «Ўзбекистондаги ички сиёсий вазиятни атрофлича билиб олиш имконини берди. Тасаввуримиз янада кенгайди. Шу нарса аниқки, Ўзбекистон раҳбарининг демократик жамият қуришга оид жаҳон тажрибасининг энг яхши жиҳатларини амалда қўллаш ниятида қилаётган ҳаракати самимий. И. Каримов томонидан ғоят ўзига хос йўл танлангани, ҳозирнинг ўзидаёқ салмоқли тажриба орттирилгани яққол кўриниб турибди. Бу тажрибани у жаҳон ҳамжамиятининг манфаатдор вакилларига муваффақият билан сўзлаб бериши мумкин. Институтимиз Президент учун шундай минбар ташкил этишга тайёр».

Эндигина олти ёшга қадам қўйган мустақил мамлакатимиз шаънига билдирилган бундай эътироф ва истаклар, турлича ёндашувлар Ватан истиқлолини азалий қисмат деб билган, шу ниятда ҳалол меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаро қалбида ғурур уйғотиши, шубҳасиз. Бу яна шундан далолатки, анжуман турли-туман фикр ва мулоҳазаларга бой бўлди.

Буни қуйидагича изоҳлаш ҳам мумкин: ўзига ишонган одам гап-сўздан чўчимайди. Ўз истиқболига иймон келтирган давлат камчиликларидан кўз юммайди. Шу маънода, туни бошқа, кундузи бошқа олис юртларда туриб, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини «ҳимоя» қилишга «бел боғлаган» ватандошларимиз, мухолифатлик тожу тахтининг ҳою-ҳавасида юрган биродарларимизнинг ҳам анжуманга таклиф этилганлиги демократик нуқтаи назардан тўғри, ўзбекчасига айтганда, бағрикенглик бўлди. Очиғи, улардан Ўзбекистонда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш юзасидан биз ўзбекларбоп жўяли фикр ва таклифлар чиқиб қолар, деган умидимиз йўқ эмас эди... Афсуски, бизга аввалдан маълум бир-икки гапларни айтмаганда, аксари ватандошларимиз шахсий тинч-омонлигига кафолат сўрашдан нарига ўтолмадилар. Ўзингники ўзагингни ўзар, дегани шу экан-да, деб бироз ҳафсаламиз пир бўлди ҳам. Шукрки, мартабали меҳмонларимиз оқ-қорани яхши ажрата олишар экан. «Ахир, анжуманда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ташкил этишдек муҳим мавзу ҳақида гап кетяпти. Мен «Ҳа» деса, шахсий муаммосини орага тиқиштиришга уринганлар фикрига қўшилмайман», — деди анжуманда профессор Р. Якимчук.

Аслида шу жавобнинг ўзи етарли. Лекин шахсий ғаразини айтиш баҳона шов-шув кўтариш пайидан бўлганларнинг орқасида сояси бор. Бу сояда «мухолифат»лик даъвосини байроқ қилиб, эски замон ҳўзур-ҳаловатларини қўмсаётган, бой берилган мартабаю манзиратлар ичини ёндираётганлар соялаб ётибди. Наҳотки, пешонасига «сиёсий мухолифат» деган ёзув ёпиштириб олгани билан одамнинг ичи ҳам ўзгариб қолса?

Эл ичида обрўсини тўкиб бўлган, ҳаётнинг, тарихнинг ўзи рад этган одамлар бир семинар баҳона яна сиёсат отига ўтириб олиб қамчи ўйнатса-я. Одамингни топибсан!

Тўғри, демократик жамият учун сиёсий мухолифат бамисоли тарозининг иккинчи бир палласи каби зарур.

Ҳа, демократиялаш объектив жараён. Бу ислоҳотларнинг босқичма-босқичлиги, кучли ижтимоий муҳофаза, Конституция ва амалдаги қонунлар, ҳамма қабул қилган халқаро нормалар асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўз моделига тўла мувофиқ келади.

Президентимиз Олий Мажлиснинг VI сессиясида сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаганидек, «тегишли юридик мақомга ва конституциявий кафолатларга эга бўлган, ўз хатти-ҳаракатида давлат ва ижтимоий тузумнинг барқарор ҳолати учун жавобгар бўлган, ташкилий жиҳатдан шаклланган мухолифатнинг бўлиши — жамият ҳолатининг нормал аҳволини кўрсатади».

Сирасини айтганда, жамиятни демократиялаш ва сиёсий ислоҳотларни эски коммунистик мафкура, чириган тоталитар ўтмиш тартиблари ва сарқитларидан батамом холи, энг муҳими, 90-йиллар бошида «Қайта қуриш» ва «митингбозлик демократияси» тўлқинида мамлакатни бош-бошдоқлик ва биродаркушлик жари ёқасига келтириб қўйганларга мутлақо алоқаси бўлмаган ёш, янгича фикрлайдиган авлод амалга оширади.

Ўтган беш йиллик тарих шуни кўрсатмоқдаки, мустақилликнинг дастлабки пайтларида ҳар бир ўзбек ўчогига оғзида газ «етказиб» берган, ўзининг чўнтагига эса миллион-миллион давлат маблағини уриб юборган, отдан тушса ҳам эгардан тушгиси келмаётган таниқли «арбоб» тоифасидаги коммунистик ғоянинг айрим ашаддий тарафдорлари бир юмалаб оташин демократ, инсон ҳуқуқлари ва озодлигининг фидойи ҳимоячиларига айланиб олишди. Чопонни тескари кийиб, янги қиёфага кириб олсам, яна узангига оёғим етади, яна халқнинг ризқи, Ўзбекистон насибаси ҳисобига таралла-бедод қилиб яшайман, деб хомтама бўлишмоқда, чамаси.

Бундай кимсаларга айтар сўзимиз тайин: чучварани хом санабсиз! Эски замонга қайтараман десангиз, овора бўласиз. Мустақиллик қадрини англаган ҳар бир фуқаро — ёш ва озод Ўзбекистон фикри ана шундай!

Бундан-да лўндароқ айтадиган бўлсак, Ўзбекистондан ташқарида сохта обрў қидирманг, четдан садақа сўраманг. Асл ўғлонга она халқ, она-заминда орттирилган обрў шараф келтиради. Ватанимга, элу юртимга хизмат қиламан деган мард ўлимни бўйнига олса оладики, мамлакатини ташлаб кетмайди.

Шу ўринда халқимиз танлаб олган буюк янгиланиш йўлида гов бўлаётган кимсаларга қарата Президентимиз юрак-юракдан айтган сўзларни такрорламоқчимиз: «Ўзбекистоннинг ўз келажагини бунёд этишга халақит берманг!»

Шу билан мақолага нуқта қўйсак ҳам бўларди. Пировардида анжуман бўлиб ўтган уч куннинг муҳим бир хулосасини, муҳим бир ҳақиқатини айтиб ўтиш жоиз деб билдик. Бу ҳақиқатни ҳамкасбимиз, «Файнэншнл таймс» газетасининг мухбири С. Гунес изҳор қилди:

«Семинарда иштирок этиш, ўзбекистонлик фуқаролар билан эркин мулоқот қилиш жараёнида шундай қатъий хулосага келдим: Ўзбекистонда давлат ва жамиятни ислоҳ қилиш бўйича босқичма-босқич ва бетакрор демократик ўзгаришлар амалга оширилмоқда!»

("Халқ сўзи" газетасининг 19 сентябрь сонидан олинди).

Безовта кўнгил

ЯНГИ ХАРИТАДА ЭСКИ НОМЛАР

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия ва картография бошқармаси томонидан Тошкент картография фабрикасида босиб чиқарилган миқёси 1:1.500.000 см.лик Ўзбекистон Республикасининг харитасини сотиб олдим. Унинг ўтган йили чиқарилгани, ундаги жой номлари ва атамалари Атамашунослик қўмитаси томонидан тасдиқлангани ёзилган. Табиий бир ҳаяжон билан уни кўздан кечира бошлайсиз. Мустақил Ватаннинг ўзбек тилида чиққан харитаси. Унинг устига ўзимизда чоп этилган. Бу аслини олганда қувонишга, фахрланишга арзийдиган катта воқеа. Аммо...

Мен шу харитадаги катта-кичик аҳоли яшайдиган манзилларнинг, баъзи объектларнинг номлари мустақилликнинг шунча йили ўтиб ҳам, ҳамон бегона тилларда, худди шўролар давридагидек сақланиб турганлигидан ранжидим. Гапни пойтахт вилоятимиздан бошлайдиган бўлсам, бу ерда Красногорск, Солдатский шаҳарларининг номлари ҳали ҳам русча ҳолда сақланиб турганлигини кўрамиз. Сирдарёда Димитровское, Крестьянский қўрғонлари, Киров номли каналлар борлигини, Андижонда Комсомолобод, Фарғонада Комсомол, Сурхондарёда Горний, Қашқадарёда Районобод, Ульянов канали, Бухорода Свердлов номли, XXVI партсъезд номли, Самарқандда Калинин, Суперфосфатний, Нагорная станцияси, Хоразмда Дружба, Дружба номли кўллар коллектори, Жиззахда Тельман, Ульянов, Юлиус Фучик аҳоли яшаш манзиллари, Карл Маркс номли қудуқ борлигини, Навоийда эса 2 ерда Ленин номли деҳқон хўжалигининг қўйчилик фермалари борлигини ҳамда «Прогресс» деҳқон хўжалиги, Коминтерн, Комсомольск деган аҳоли яшаш жойлари борлигини кўрамиз. Халқимиз учун ёт, бегона бўлган бу номларни авайлаб-асраш ишида қорақалпоғистонлик дўстларимиз анча илгарилаб кетишган кўринади. Бу Республикада ҳозир, шу харитадаги маълумотларга ишониладиган бўлса, 15 дан ортиқ юқоридаги каби «тарихий» номлар сақланиб келинмоқда.

Қолган майда-чуйда гапларни бир чеккага қўя турайлик-да, бир масала устида озгина ўйлаб кўрайлик. Неча минг йиллардан бери мавжуд Орол денгизи ўртасидаги оролни руслар келиб «Возрождение» деб номлагунларича унинг бирорта туркийми, арабийми, форсийми, юнончами номи йўқ эканми? Ахир буюк дарёларимиз Аму ва Сирнинг бизга маълум бир нечта тарихий номлари бор-ку! Денгизимиздаги орол ҳам номсиз бўлмаган, фақат, биз уни унутиб юборганмиз ва ҳозирги номини ўзгартиришни ўз ҳафсаласизлигимиз орқасидан пайсалга солиб келмоқдамиз.

Фикримча, миллий мустақиллик учун катта-кичик нарсаларнинг ўзи йўқ. Ҳамма нарса бирдек муҳим ва қимматли. Шу сабабли Ватанимизнинг турли бурчакларида юқоридаги каби жой номларидан буткул воз кечишимиз керак. Ўйлашимча, бу нарса ҳар бир фуқаромиз юрагида мустақил Ватан туйғусини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ,
ҳуқуқшунос.

ХОРАЗМ. Хонқа туманидаги пахта тозалаш заводи қошида «Хонқа— Шуя» қўшма йигирув ва тўқув фабрикаси иш бошлади. Бу туманда яшайдиган 450 нафар ёшларни иш билан таъминлаш имконини берди. Фабрика цехларига ўрнатилган 400 дан ортиқ тўқув-йигирув ва бошқа дасттоҳларда туман йигит-қизлари сифатли маҳсулот тайёрлашга ҳаракат қилишаётир.

СУРАТДА: йигирувчи Клара Жабборова.

Шоназар ИБРОҲИМОВ олган сурат.

Лойиҳа

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТЎҒРИСИДА

1-модда. Сиёсий партия тушунчаси

Сиёсий партия — қарашлари, қизиқишлари ва мақсадлари муштараклиги асосида тузилган, жамият муайян қисмининг давлат ҳокимиятини шакллантиришдан иборат сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг кўнгилли бирлашмасидир.

2-модда. Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари

Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республакаси Конституциясига, ушбу Қонунга, бошқа қонунларга мувофиқ ҳамда ўз уставларига асосан амалга оширадалар.

3-модда. Сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш принциплари

Сиёсий партиялар фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадларида, фуқаролар ўз ҳоҳиш-иродасини эркин билдириши, партияга ихтиёрий равишда кириши ва ундан чиқиши, барча аъзоларнинг тенглиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилади ва фаолият кўрсатади.

Қуйидаги сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади:

конституцион тузумни куч ишлатиш йўли билан ўзгартириш мақсади бўлган;

Ўзбекистон Республикаси суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларининг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига қарши чиқаётган;

урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний қарама-қаршиликни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига дахл қилувчи;

миллий ва диний белгилари бўйича партиялар.

4-модда. Сиёсий партияларга аъзолик

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир пайтнинг ўзида фақат битта сиёсий партияга аъзо бўлиши мумкин.

Партияга мансублигига кўра, фуқаро ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш, худди шунингдек, унга имтиёзлар ёки устунликлар бериш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти республика фуқаролари ҳуқуқларининг ижро этилиши ва эркинликларига риоя қилинишининг кафолати сифатида президентлик ваколат муддати давомида сиёсий партияларга аъзоликни ёки уларда иштирок этишни тўхтатиб туриши ёхуд тўхтатиши шарт.

Қуйидагилар сиёсий партияларга аъзо бўла олмайдилар:

судьялар;

прокурор ва прокуратура терговчилари;

ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари;

ҳарбий хизматчилар;

хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Сиёсий партияларга аъзолик якка тартибда қайд этилади.

5-модда. Сиёсий партиялар фаолиятининг кафолатлари

Давлат сиёсий партиялар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, ўз устав мақсадлари ва вазифаларини бажаришларида уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва уларнинг мансабдор шахсларининг сиёсий партияларнинг ички ишларига аралашишлари ёхуд, агар фаолият қонунга ҳамда ўз уставларига мувофиқ амалга оширилаётган бўлса, улар фаолиятига у ёки бу тарзда тўсқинлик қилишлари ман этилади.

Сиёсий партияларнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Сиёсий партиялар аппарати ходимларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шунингдек, ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта ҳақидаги қонун ҳужжатлари татбиқ этилади.

Сиёсий партиялар фаолиятини ташкил этиш уларнинг аъзолари томонидан асосан ишдан ташқари вақтда ва ана шу партиялар маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

6-модда. Сиёсий партияларни тузиш

Сиёсий партияни тузиш учун камида саккизта ҳудудий субъектда (вилоятларда), шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида уч минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади.

Сиёсий партияни тузиш ташаббускорлари бўлмиш эллик кишидан кам бўлмаган ташаббускорлар партия таъсис ҳужжатларини тайёрлаш бўйича, аъзолар таркибини шакллантириш ҳамда таъсис съезди ёки конференциясини чақириш бўйича ташкилий қўмитани шакллантиришлари лозим.

Ташкилий қўмита ўзи тузилган кундан бошлаб етти кунлик муддатдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Аллия вазирлигига ўз ташаббуси, қўмитанинг таркиби, раҳбари (етакчиси), жойлашган манзили ҳамда таъсис съезди ёки конференцияси чақириладиган санани ёзма равишда хабар қилиши лозим.

Ташкилий қўмита тузилган кундан бошлаб узоғи билан уч ой фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эгадир.

Сиёсий партия таъсис съездида ёки конференциясида тузилади.

Таъсис съезди ёки конференцияси партия устави ва дастурини қабул қилади, унинг сайлаб қўйиладиган органларини тузади.

7-модда. Сиёсий партиянинг устави

Сиёсий партиянинг уставида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

партиянинг номи, мақсади ва вазифалари;

партиянинг тузилиши, партияга қабул қилиш ва ундан чиқиш шартлари ва тартиби;

партия аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

партия ва унинг ташкилотлари раҳбар органларининг ваколатлари ва уларни тузиш (чақириш) тартиби, уларнинг ваколат муддатлари;

партия раҳбар органларининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш тартиби;

партия ва унинг ташкилотлари маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкини ҳосил қилиш манбалари;

партия раҳбар органи жойлашган манзил;

партия устави ва дастурини қабул қилиш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;

партия фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тўхтатиш тартиби.

Уставда партия. фаолиятига оид бошқа қоидалар ҳам назарда тутилиши мумкин.

8-модда. Сиёсий партияларни рўйхатга олиш

Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш учун устав қабул қилинган кундан эътиборан бир ой муддат ичида қуйидагилар тақдим этилади:

партия раҳбар органининг камида уч аъзоси имзолаган ариза;

устав;

дастур;

таъсис съезди ёки конференциясининг баёни;

рўйхатдан ўтиш йиғими қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати;

ушбу Қонун талаблари бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан, мазкур партияга бирлашиш истагини билдирган уч минг нафар Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ўзлари имзо қўйган рўйхати, сайлаб қўйиладиган органларнинг аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, турар жойи ва иш жойи, телефон рақами), раҳбар орган аъзоларига рўйхатдан ўтказиш давомида ёхуд мунозаралар келиб чиққан ҳолда партия номидан судда иштирок этиш ваколатлари берилганлиги тўғрисида партия олий органининг қарори.

Сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза у тушган кундан бошлаб икки ой муддат ичида кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш натижаларига биноан, сиёсий партияни рўйхатга олиш ёки рўйхатга олишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади. Қарор қабул қилингач, узоғи билан уч кун муддат ичида сиёсий партия раҳбар органига тақдим этилади ёки почта орқали жўнатилади.

Сиёсий партия рўйхатдан ўтган кундан эътиборан юридик шахс мақомини олади ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Сиёсий партиялар уставларига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар уларнинг уставларини рўйхатга олиш учун ушбу моддада назарда тутилган тартибда ва муддатларда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Сиёсий партия рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги хабар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

9-модда. Сиёсий партияни рўйхатга олишни рад этиш

Сиёсий партия, агар унинг устави, мақсадлари, вазифалари ва фаолият услуби Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонунга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлса ёки олдинроқ худди шундай номдаги сиёсий партия ёки жамоатчилик ҳаракати рўйхатга олинган бўлса, рўйхатга олинмайди.

Сиёсий партияни рўйхатга олишни рад этган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдим этилган ҳужжатлар қонун ҳужжатларининг қайси қоидаларига зид эканлигини кўрсатган ҳолда партия раҳбар органининг ваколатли аъзосига ёзма тарзда хабар қилади. Ушбу сиёсий партия раҳбар органининг ваколатли аъзолари рўйхатга олиш рад этилганлиги тўғрисида хабарнома олинган кундан эътиборан бир ой ичида ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонун ҳужжатларига бутунлай мувофиқ ҳолга келтирган тақдирдагина партияни рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза билан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига такрор мурожаат этишга ҳақлидирлар.

Сиёсий партияни рўйхатга олишни рад этиш устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига белгиланган тартибда шикоят қилиш мумкин.

10-модда. Сиёсий партиянинг фаолиятини тўхтатиш

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини, ушбу Қонунни ёки бошқа қонун ҳужжатларини бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларининг қайси нормалари бузилганлигини кўрсатган ҳолда партия раҳбар органларига ёзма шаклда маълум қилада ва ушбу тафовутларни бартараф этиш учун муддат белгилайди. Агар белгиланган муддат давомида тафовутлар бартараф этилмаса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди сиёсий партиянинг фаолиятини олти ойгача муддатга тўхтатиб қўйиши мумкин.

Сиёсий партиянинг фаолияти тўхтатиб қўйилган тақдирда, шу муддат давомида партия ҳар қандай оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориши, сайловларда иштирок этиши ман қилинади.

11-модда. Сиёсий партиянинг фаолиятини тугатиш

Сиёсий партиянинг фаолияти қуйидаги тарзда тугатилади:

партиянинг ўз уставига мувофиқ тарқалиб кетиши орқали, бу ҳақда партия олий органи уч кунлик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Аллия вазирлигига хабар қилади;

партия ўз фаолияти тўхтатиб қўйилганидан сўнг бир йил муддат ичида ушбу Қонун учинчи моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган хатти-ҳаракатларни такрор содир этган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Аллия вазирлигининг ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан.

Ўзбекистон Республикаси Аллия вазирлигининг оммавий ахборот воситаларида сиёсий партиянинг фаолияти тўхтатилганлиги тўғрисидаги расмий хабари эълон қилинган кундан бошлаб сиёсий партиянинг фаолияти тугайди.

12-модда. Сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари

Сиёсий партиялар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз ғоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилиш;

сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш;

қонунда белгилаб қўйилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;

партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари билан иттифоққа (блокка) кириш, улар билан ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш.

Сиёсий партиялар ушбу Қонунда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги сиёсий партиялар фракциялари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги сиёсий партияларнинг фракциялари сиёсий партиялар томонидан сайланган депутатларнинг таъсис йиғилишида тузилади ҳамда фракция раҳбарининг тегишли аризасига ва таъсис ҳужжатларига асосан Олий Мажлис томонидан рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги сиёсий партия фракцияси қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

сессия кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда фракция вакилига кафолатланган сўз берилишига;

сўровлар билан тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раисига ва Ҳукуматга, вазирларга, бошқа давлат органларининг раҳбарларига мурожаат этиш;

Олий Мажлис раҳбарлари, қўмита ва комиссиялар раислари номзоди бўйича таклифлар киритиш;

сессияда муҳокама қилинаётган масалалар бўйича фракция фикрини депутатлар ўртасида тарқатиш;

сессия кун тартибини тузишда иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Сиёсий партия фракциясиниг раҳбари Олий Мажлис Кенгаши таркибига киради.

Фракцияларнинг фаолиятига ташкилий, техник ва ўзга хизматлар кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Котибияти томонидан таъминланади.

14-модда. Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари

Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари сиёсий партиялар томонидан сайланган депутатларнинг таъсис йиғилишларида тузилади ҳамда партия гуруҳи раҳбарининг тегишли аризасига ёки таъсис ҳужжатларига асосан давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан рўйхатга олинади.

Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

сессия кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда гуруҳ вакилига кафолатланган сўз берилишига;

сўровлар билан ҳокимга, ҳоким ўринбосарига, ҳокимият бўлимлари ва бошқармаларининг раҳбарларига, шунингдек, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбарларига мурожаат этиш;

тегишли халқ депутатлари Кенгаши комиссиялари раисларининг номзоди бўйича таклифлар киритиш;

халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида муҳокама қилинаётган масала бўйича партия гуруҳининг фикрини депутатлар ўртасида тарқатиш;

халқ депутатлари Кенгаши сессиясининг кун тартибини тузишда иштирок этиш;

давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларининг депутатлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳларининг фаолиятига ташкилий, техник ва бошқа хизматлар кўрсатиш ҳокимиятнинг тегишли тармоқ, бўлинмалари томонидан таъминланади.

15-модда. Сиёсий партиялар мулки

Сиёсий партиялар эгалигида бино, иншоот, қурилмалар, нашриёт, транспорт воситалари, шунингдек, устав вазифаларини бажариш учун зарур бўлган бошқа мол-мулк бўлиши мумкин.

Сиёсий партиялар устав вазифаларини бажариш мақсадидагина қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширади.

Сиёсий партияларнинг пул маблағлари аъзолик бадалларидан, ноширлик фаолияти даромадларидан, фуқаролар ва жамоат бирлашмалари томонидан киритилган хайрия маблағларидан, шунингдек, қонуний тартибда орттирилган бошқа даромадлардан шаклланади.

Сиёсий партияларнинг ишлаб чиқариш фаолиятидан олган даромадлари партия аъзоларининг ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ва улардан устав вазифаларини бажариш учунгина фойдаланилади. Ҳатто уставларида кўрсатилмаган бўлса ҳам, сиёсий партияларнинг ўз маблағларидан хайрия мақсадларида фойдаланишларига йўл қўйилади.

Сиёсий партиялар ҳар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетини эълон қилади ва Олий Мажлисга ёки у ваколат берган органга ўз фаолиятини маблағ билан таъминлаш манбалари тўғрисида ҳисобот беради.

Сиёсий партияларнинг мулки қонун билан муҳофаза қилинади.

16-модда. Сиёсий партияларни маблағ билан таъминлашдаги чекловлар

Сиёсий партиялар, уларнинг муассасалари ва ташкилотлари бевосита ёки билвосита:

давлат органларидан, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан;

хорижий давлатлар ва ташкилотлардан, халқаро ташкилотлардан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан;

диний ташкилотлардан;

аноним хайрия берувчилардан маблағлар ва бошқа мол-мулк олиши тақиқланади.

Сиёсий партияларнинг чет эл банкларида ҳисоб счетларига эга бўлиши ва уларда қимматли ашёлар сақлаши ман этилади. Давлат сиёсий партияларга уларнинг сайловларда иштирок этиши муносабати билан субсидия бериши мумкин.

17-модда. Сиёсий партиялар фаолиятининг қонун ҳужжатларига ва ўз уставларига мувофиқлигини назорат қилиш

Сиёсий партияларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, қонун ҳужжатларига ва ўз уставларига мувофиқлигини Ўзбекистон Республикаси Аллия вазирлиги назорат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Аллия вазирлигининг вакиллари сиёсий партиянинг барча тадбирларида иштирок этиш, уларнинг ҳужжатлари ва қарорлари билан танишиб чиқиш, сиёсий партиялар устав фаолиятлари масалалари бўйича ҳамда миқдор таркиби тўғрисидаги ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эгадир.

Ушбу Қонун лойиҳаси бўйича таклиф ва мулоҳазаларингизни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасига юборишингизни сўраймиз.

Манзил: 700008, Тошкент шаҳри, Ҳукумат уйи.

Телефонлар: 39-80-82, 39-85-74.

«ФАМ» ҲАМ АСАКА ШУҲРАТИНИ ОШИРАДИ

Асакада яна бир қўшма корхона маҳсулот бера бошлади. «Федеричи — Асака макарони», яъни «ФАМ» Италия — Ўзбекистон қўшма корхонаси ҳар куни 24 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга.

Ҳар бир италиялик йилига ўрта ҳисобда 27 килограмм макарон маҳсулоти истеъмол қилади. Асакада технология жиҳозларини созлашда иштирок этган италиялик мутахассисларнинг айтишига қараганда, мазкур мамлакатда макарон саноатининг тарихи жуда узоқ. Жумладан, Асака дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти билан ўзаро ҳамкорликда қўшма корхонага шерикчилик қилган «Федеричи» фирмаси 118 йилдан буён фаолият кўрсатиб, ҳозир юз хилдан зиёд макарон маҳсулотларини дунё мамлакатларига экспорт қилмоқда.

Ёдингизда бўлса, шу йилнинг 6 ойлик якунларига бағишлаб Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғинда Президентимиз ун-ёрма саноати раҳбарлари шаънига танқидий фикрлар билдирганди. Бунга мамлакатимизда макарон саноатининг ўта суст ривожланаётганлиги, аниқроқ қилиб айтсак, атиги тўрт хилда маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлиги сабаб бўлди. 6 ойда хориждан 9 миллион долларлик макарон маҳсулоти олиб келинганлиги эса соҳанинг аҳволини айтиб турибди.

Айрим «хонаки» макаронлар эса ҳаммамизга маълум. Қозонга тушибоқ хамирга ёки аталага айланиб қолади. Яқинда иш бошлаган қўшма корхона маҳсулотини кўриб, шундай сифати юқори макарон Асакада ишлаб чиқарилаётганига асло ишонмайсиз. Италиялик ва маҳаллий мутахассислардан бунинг сирларини сўраймиз. Улар бунда ҳеч қандай сир йўқлиги, жумладан ун, сув ҳам ўзимизники эканини таъкидлашди. Қўшма корхонага ўрнатилган жиҳозлар фақат мукаммаллиги бунга сабаб эканлигини айтишди. Дарҳақиқат, жиҳозлар соат каби бир маромда ишлайди. Хамир қоришдан тайёр маҳсулотларни ярим килограммлик идишларга қадоқлашгача бўлган барча жараёнлар автоматлаштирилган.

Қўшма корхона тўхтовсиз ишлайди. Бу ерга 50 киши ишга қабул қилинди. Бухоро технология институтини тамомлаган Исломбек Алибеков билан Салимжон Саримсоқов ҳамда корхона раҳбари Абдусамад Каримовлар Италияга боришиб, тажриба ўрганиб келдилар. Ўз навбатида Италиядан Фабрицио Федеричи билан Делио Вентурилар келишиб, маҳаллий ёшларга замонавий технологияни ўзлаштиришда яқиндан ёрдам бермоқдалар. Фабрицио фирманинг асосчиси Федеричининг чевараси. У қўшма корхонани ташкил этишдан то ишга туширишгача бўлган вақт мобайнида асакаликлар билан ёнма-ён меҳнат қилди. Имкониятдан фойдаланиб, меҳмонни суҳбатга тортдик.

— Катта бобом асос солган фирмамиз корхоналари ҳар куни 350 тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаради, — деди Фабрицио Федеричи. — Бизнинг маҳсулотимизга жаҳонда эҳтиёж катта. Шундай бўлсада дунёнинг бирор-бир мамлакатида қўшма корхона ташкил этмаган эдик. Эндигина 5 ёшга тўлган Ўзбекистонда хорижий ишбилармонларга кенг имкониятлар очиб берилаётганлиги бизни ҳаракатга келтириб юборди. Бизга тааллуқли таклифларни зийраклик билан кўриб чиқиб, Асакани танладик. Бу ердаги тайёр бино зарур коммуникация билан жиҳозланган. Ҳатто ун ҳам корхонадаги махсус жиҳозланган кувурлар орқали яқин масофадан олинади. Ҳисоб-китоб қилиб кўрсак, бу ердаги шароит маҳсулотларнинг анча арзон тайёр бўлишига имконият беради. Бу бизнинг дастлабки ишимиз. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик давом этади.

Қўшма корхона бошқаруви раиси Миробид Маҳмудовнинг айтишича, шу йилнинг охирига бориб кунлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 60 тоннага етказилади. Бунинг учун қўшма корхонанинг иккинчи навбати жиҳозларини ўрнатиш ҳадемай бошланиб, узоғи билан уч ойда битказилади. Ўшанда маҳсулот турлари 22 тага етади. Энг муҳими, Президентимизнинг эл-юрт ташвишида куйиниб айтган гаплари изчил амалга ошириляпти. Асакада Ўзбекистон эҳтиёжини қоплай оладиган даражада макаронлар ишлаб чиқариляпти. Буни фақат қутламоқ керак.

Қобилжон АСҚАРОВ,
«Андижоннома» вилоят газетасининг бўлим мудири.

«ФАЙЗ» ДА ФАЙЗ БОР

Миллий иш майдони



«Файз» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти аъзоларининг ҳиссадорликка ўтганига икки йил бўлса-да, унга тайёргарлик мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошланган эди. Мебелсозлар асосан ошхона мебеллари ишлаб чиқаради. Аммо, улар ишлаб чиқараётган бозор талабларига жавоб бера оладиган турли хил мебелларнинг бозори чаққон. Бунинг бош сабаби, мебелларнинг хорижий талабларга мослиги ва республикамизда ишлаб чиқарилаётган бошқа мебеллардан арзон ҳамда сифатлилигидир.

Иккинчидан , улар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотишнинг янги усулини татбиқ этишди. Энди харидор мол учун эмас, харидорга ҳиссадорлар юқори хизмат билан югуради, уларнинг ишончини оқлайди. Бунинг учун ҳиссадорларга қарашли дилер дўконлар ташкил этилган. Харидорларнинг уйига мебелни олиб бориш, уни йиғиш каби хизматлар ҳам намунали. Шу орқали мебеллар тез сотилади, Дилер дўкондаги хизматчилар ҳам манфаат кўради. Ҳар ойда илгари 15 миллион сўмлик мебеллар сотилган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 30 миллиондан ошган. Бу каби дўконлар Тошкент, Самарқанд, Урганч, Шаҳрисабз, Марғилон каби ўнлаб шаҳарларда очилганлиги, уларнинг сони ортиб бораётганлиги кишини қувонтиради.

Бундан беш йил бурун Тошкентдаги мазкур корхонага Мукаррамхон Азимова раҳбар этиб сайланди. У ишни Олмония ускуналарини ўрнатиш, таъмирлаш, корхона истиқболларини ишчилар онгига сингдиришдан бошлади.

— Бу ишлар осонгина кечмади, — дейди жамият раиси, республика Олий Мажлиси депутати Мукаррамхон Аҳадовна.

— Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг кўмаги орқали эски дастгоҳларни бутунлай таъмирдан чиқардик. Замон талабларига мос мебеллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган ускуналарни ўрнатдик.

Ишларимиз ривожининг яна бир омили хорижий инвестицияни жалб қила олганимизда. Мебель ишлаб чиқариш учун энг керакли бўлган 3 та қўшма корхона тузилди. Бу орқали Венгрия, Славеня ва Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатларнинг ишбилармонлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатдик. Ҳозир чет эл тадбиркорлари билан мебеллар учун юмшоқ матраслар ишлаб чиқариш устида иш олиб бориляпти. Бу амалга оширилгач, бошқа мебелсозлар эҳтиёжини ҳам таъминлаш имконияти туғилади.Чиқарилган акциянинг 70 фоизи жамоа аҳли қўлида. Хом ашё етказиб берувчи Россия, Украина каби давлатлардаги ҳамкорлар ҳам 15 фоиз акцияни сотиб олишган.

— Биргина менинг қўлимда 55 та ҳар бири 2000 сўмлик қийматга эга бўлган акция бор, — деб суҳбатимизга қўшилди очиқ ҳиссадорлик жамияти раисининг ўринбосари Муҳаммаджон Усмонов. — Бу 110 минг сўм пул демакдир. Соф даромадларнинг ошиб бориши дивидендлар миқдорини оширади. Демак, қўшимча даромадлар ортиб боради.

Ўтган ярим йилда ҳиссадорлар 47 миллион сўмлик даромад кўришди. Шундан 30 миллиони соф фойдадир. Олинган даромад ҳисобидан,ишчиларга дивиденд миқдорини кўпроқ қилиб бериш мумкин эди. Аммо, ундай қилинмади. Умумжамоа таклифи асосида ишлаб чиқариш қувватини ошириш чора-тадбирлари кўрилди.

Ошхона мебеллари, «стенка» ва юмшоқ мебеллардан ташқари мактаблар учун 30 миллион сўмлик парта, стол-стуллар тайёрланиб, янги ўқув йили олдидан тарқатилди. Ҳозир ойига 32 миллион сўмлик турли хил мебеллар чиқарилиб, савдо дўконларига етказиб берилмоқда.

Катта жамоанинг кайфияти яхши. Улардан айримларининг сўзларини қоғозга туширдик:

Зоир Маннопов, 3-цех бошлиғи: — Бир йилдан буён цех бошлиғиман. Қўлимдаги 57 кишининг ҳаммаси ўз касби устаси. Кунига белгиланган режани ортириб бажаришга ҳаракат қиламиз. Маошни ўз вақтида олиш билан бирга яхшигина дивидендларни ҳам олиб турибмиз.

Бахтиёр Орипов, шу цех ишчиси: — Мен ўн йилдан буён ишлайман. Ишлашнинг янги усулига ўтиб кам бўлаётганимиз йўқ. Маошнинг ўзи 2500 сўмга етяпти. Дивидендлардан катта фойда кўряпмиз.

... Бу ерда ишчилар жамоа автобусида дам олиш кунлари Тошкент денгизи ёнидаги оромгоҳда хордиқ чиқаришади. Бунинг учун шарт-шароит етарли. Сауна, соғломлаштириш маркази улар қўлида. Шунингдек, шу йил бошидан буён 2 миллион сўмлик маблағ кам таъминланган оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига, тумандаги «Умид» ногиронлар мактаби ва кўпгина интернатлар, жамғармаларга берилган. Саховат кўрсатишда ҳам намуна бўлаётган «Файз»да файз бор!

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Соат 24.00

ЧЎПОН ХАБАР ТОПГАН ЖИНОЯТ

Сабабсиз ҳодиса рўй бермайди. У эса сира изсиз йўқолмайди. Н. кўпдан бери ғашига тегиб юрган Г. ни йўқотиш пайига тушди. Ими-жимида гум қилиш чораларини қидирди. Шум нияти аламзада қалбини безовта қилиб, бир кун дардини К. исмли дўстига ёрди. Дўстининг иккиланганини сезиб: «Мунча типирчиламасанг, сен уни менга чақириб бер, буёғига ўзим», — деб муддаони шартта айтди.

Ёвуз ният ўз ишини қилди. Бир йигит шу тариқа бетовфиқнинг қўлидан пичоқ еб, ҳаётдан кўз юмди.

Ён-верда ўтлаб юрган молларнинг безовталиги чўпонларни хавотирга солди. Шу дамдаёқ дала ўртасидаги қудуқ атрофида мурда борлиги ҳақида Ховос тумани ички ишлар бўлимига хабар келди.

Туман ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция майори Бобобек Равшанов бошчилигида тузилган тезкор гуруҳ зудлик билан воқеа содир бўлган жойга етиб келди. Сўнгра вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг муовини А. Йўлбарисов ва прокуратура идоралари ҳам воқеа жойида ҳозир бўлишди. Синчковлик билан олиб борилган тезкор ишлар ва сўраб-суриштиришлар натижасида жиноят бир кундаёқ очилди.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази ходими.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

ДОИМИЙ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Зомин тумани Бирлашган қишлоғи аҳолисидан газетамизга йўлланган мактуб текшириш учун Жиззах вилоят ҳокимлигига жўнатилган эди. Хатда Бирлашган қишлоғини газлаштириш масаласи ўзига хос муаммога айлангани ҳақида ёзилганди. Яқинда Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи муовини К. Қобилов имзоси билан жавоб хати олинди. Унда жумладан, шундай фикрлар баён этилган:

— Зомин тумани «Зомин» ижара ширкатлар бирлашмаси ҳудудидаги Бирлашган қишлоғини газлаштириш масаласи мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида муҳокама этилди. Бу қишлоққа табиий газ келтириш 1996 йил коммунал объектлар капитал қурилиши режасига киритилиб, ҳозиргача 500 минг сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилган.

Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ветеринария хизмати учун мўлжалланган автомашиналар ҳам тайёрлана бошланди.

СУРАТДА: ветеринария хизмати учун ишлаб чиқарилган автомобиллардан бири.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 23

I

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан 23 сентябрь куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Эркатой».
18.25 «Фақат қизлар учун».
18.45 «Мозийдан садо».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.35 «Зарчашма».
21.55 «Морена Клара». Телесериал.
22.40 «Бу оқшом...»
23.15 «Санъат дўстликка чорлайди». Испания таассуротлари.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» — «Дўстлик».
00.40 Тунги тароналар.
00.50 — 01.00 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Палитра».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон».
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур.
21.30 «Курьер».
21.50 «Прайм-тайм». Телевидение ҳаётидан.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.30 — 00.30 «Спорт қитъаси».

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Хафтанома».

*

8.30 «Қизлар гулдастаси».
9.00 «Табиат—ҳаёт сарчашмаси». Кинодастур.
9.30 «Сизга таъзим». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Илм — ўзликни билмакдир».
10.35 «Усмир ва қонун». Тележурнал.
11.00 «Қора қисқичбақа чангалида». Бадиий фильм.
12.30 «Юрт обод, кўнгиллар шод». Публицистик кўрсатув.
13.00 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестри концерти.
13.30 «Сиҳат-саломатлик». Тележурнал.
14.00—14.05 Янгиликлар.

***

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Боғимизга марҳамат». Телефильм.

*

Россия жамоат телевиденеси
18.10 — 20.35

*

20.35 «Мусиқа ҳақида мулоҳот». 1-кўрсатув.

*

Россия давлат телевиденеси
21.00— 21.20

*

21.20 Эълонлар.
21.25 «Янги қурбон». Телесериал.
22.15—22.20 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульткарусель».
19.00 «Умид чечаклари». Ёшлар учун кўрсатув.
19.25 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
19.55 «Чироқ».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Жаҳон».
20.30 Эълонлар.
20.35 «Душанба».
20.45 «Безнен мирас».
21.15 «М» -хабар.
21.25 «Спорт-тайм».
21.55 Эълонлар.
22.00 Тунги сеанс. «Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради». Бадиий фильм.
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 24

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.
9.00 «Озода, гўзал ўлкам». Мусиқий дастур.
9.30 «Жараён». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Сурхондарё вилояти «Қуралай» болалар фольклор-этнографик ансамблининг концерти.

Ўқув маълумотлари:

10.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Адабиёт.

*

12.00 «Авлиё Лука»нинг қайтиши». Бадиий фильм.
13.30 «Истиқлол самаралари». Телеҳикоя.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.45 «Дейишма». Видеофильм. 1-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Умид учқунлари».
18.30 «Ал-Баширининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Бизнес-академия».
21.20 «Юртим жамоли».
21.40 «Альманах-ТВ».
22.15 «Оҳанглардан таралган меҳр».
22.35 «Замон».
22.45 «Спорт, спорт, спорт».
23.05 Мусиқий саёҳат.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.05 «Мультфейерверк».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35 — 00.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Уй ажинасининг қайтиши». Мультфильм.

*

Россия жамоат телевиденеси
6.30—8.00 «Телетонг».

***

18.10—20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Сиз учун куйлайман». Влад Усманов.

*

Россия давлат телевиденеси
21.00—21.20

*

21.20 Эълонлар.
21.25 «Янги қурбон». Телесериал.
22.15—22.20 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мульткарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Саноқ боши».
19.30 «IV канал эксклюзиви».
20.00 «Экология ва ҳаёт».
20.30 «Кўнгил кўприклари».
21.00 «Тошкентнома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Жонли тил».
22.35 «Тошкент оқшомида».
23.05 «16 вилоят». Немислар шарҳи.
23.25 «Юлдузлар жилоси».
23.45 Эълонлар.
23.50 — 24.00 «Ҳайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Мусиқий саёҳат.
8.45 «Ипак йўли — дўстлик йўли». Публицистик кўрсатув.
9.15 Футбол майдонларида.
9.50 Диққат, премьера: «Орзулари бисер аёлнинг». «Ўзбектелефильм» маҳсулоти.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Пахтани ёнгиндан сақланг!».

Ўқув маълумотлари:

10.30 Табиёт.
11.00 Алифбо сабоқлари.
11.30 Кимё.

*

12.00 «Севишганлар». Бадиий фильм.
13.20 «Умрим таронаси». Нормурод Нарзуллаев.
13.50 «Танаффус». Мультфильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05—14.45 «Дейишма». Видеофильм. 2-қисм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Чамандаги гуллармиз».
18.25 «Бу ёруғ оламда Ватан битта-дир...»
18.30 «Адолат». Публицистик кўрсатув.
18.45 «Зилол». Фольклор-этнографик жамоаларининг телефестивали.
19.05 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Оҳанглар оғушида».
21.30 «Рангин дунё».
21.45 «Морена Клара». Телесериал.
22.30 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.45 «Автосалон».
23.00 «Адашлар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.25—00.35 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё буйлаб...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55—23.55 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Бўсувнинг кузги жилолари». Телефильм.

*

Россия жамоат телевиденеси

6.30 — 8.00 «Телетонг».

***

18.10—20.35

*

20.35 «Мусиқа ҳақида мулоҳот». 2-кўрсатув.

*

Россия давлат телевиденеси
21.00 — 21.20

*

21.20 Эълонлар.
21.25 «Янги қурбон». Телесериал.
22.15 — 22.20 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мульткарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Саноқ боши».
19.30 «IV канал эксклюзиви».
20.00 «Экология ва ҳаёт».
20.30 «Кўнгил кўприклари».
21.00 «Тошкентнома».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Жонли тил».
22.35 «Тошкент оқшомида».
23.05 «16 вилоят». Немислар шарҳи.
23.25 «Юлдузлар жилоси».
23.45 Эълонлар.
23.50 — 24.00 «Ҳайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Адашлар».
9.00 «Бугуннинг ўйлари». Публицистик кўрсатув.
9.25 «Оналар мактаби». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қувноқлар даврасида».

Ўқув маълумотлари:

10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Китоб ва ҳаёт».
11.30 Умумий биология.

*

12.00 «Қайлиқ ўғирлаш». Бадиий фильм.
13.10 «Ҳуқуқий давлат сари».
13.30 Бухоро филармонияси мақомчилар ансамблининг концерти.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.45 «Дейишма». Видеофильм. 3-қисм.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Болажон».
18.30 «Кўзгудаги акс».
18.40 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.00 «Акциядор лугати».
19.10 «Дилнавоз садолар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоҳот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.10 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
21.45 «Одобнома».
21.55 «Олтин мерос». Уйғун. «Зебунисо». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.15 «Уйинчоқлар растаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».

(Давоми 4-бетда).

ВАЗИРЛАР БИШКЕКДА УЧРАШДИЛАР

Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкекда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасидаги 10 та давлат (Озарбойжон ва Украинадан ташқари) вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Ҳамдўстлик мамлакатларида иқтисодий ислоҳотларнинг кечиш жараёни чуқур таҳлил этиб ўтилди.

Россиянинг МДҲ ишлари бўйича вазири Аман Тўлиев-нинг таъкидлашича: «Мустақил Ҳамдўстлик давлатлари саноат корхоналарининг қарзларидан батамом қутулишигина бу масалани ижобий ҳал этади».

ТУРКМАНИСТОНДА ИСЛОМ МАКТАБИ ОЧИЛДИ

Ашгабадда ислом мактаби ўз ўқувчиларига дастлабки сабоқни бошлади. Ҳозирча у мамлакатдаги ислом ақидаларини таргиб этувчи маърифий ягона маскандир.

Мактабни Туркиядан келган устоз ва мураббийлар бошқаряпти. Ислом дини, туркман халқи миллий қадриятлари, аждодлар меросини ўрганишда бу исломий илм ўчоғининг келгусидаги аҳамиятига мамлакат Президенти Сапармурод Ниёзов алоҳида урғу бериб ўтди.

Туркманбоши Сапармурод Ниёзов мамлакат матбуот тарихида ҳам етакчи ўрин тутишини бугунда алоҳида эътироф этилмоқда. Зеро, Президент республика марказий рўзномаси асосчиларидан биридир.

БОСҚИНЧИ КАБУТАРЛАР

Буюк Британиядаги «Таймс» рўзномасида ғалати воқеа ҳақида мақола чоп этилди. «Қушларга қирон келсин». Лондонликлар бу ҳабардан ташвишланиши табиий, албатта.

Лекин ҳукмат вакиллари шундай қарор чиқаришга мажбур бўлди. Трафальгар майдони англияликларнинг миллий фахри саналади. Майдонни кунига кўплаб сайёҳлар зиёрат қилиб ўтади. Боши узра учаётган, шундоқ ёнгинасида йўргалаб юрган, ёнинки кифтига ҳайиқмай қўнган жониворга ҳеч бир сайёҳ бефарқ бўлолмайди-да. Дон бериши, бирор егулик билан сийлаши турган гап.

Трафальгарлик кабутарлар, юз йиллардирки, сайёҳлар кўнглини, улар эса қушлар кўнглини «овлайди». Шунданми, кабутарлар сони йилига кутилганидан етти бараварига ошиб боряпти. Бошқа ёқлик кабутарлар ҳам «бостириб» келяпти. Мутахассислар ҳатто уларнинг аниқ ҳисоб-китобини олишолмай қолди. Айримлари трафальгарлик кабутарлар 200 мингдан ошди деса, баъзилар ярим миллионга етди, дея ташвишланяпти.

Кабутарлар йўлкаларни, ҳатто қадимий меъморий ёдгорликлар пештоқларини «ишғол» қилиб олишди. Босқинчи кабутарлар ҳукуматга зарар келтира бошлашди. Улар «босиб» олган майдонларида истаганини қилишаётганидан ҳукумат вакиллари қаттиқ чора-тадбир қўллашга ўтишди. Кабутарлар «майдонини» тозалаш учун ўтган йилнинг ўзида ҳукумат 100 минг фунт стерлинг маблағ сарфлади, деб ёзди «Таймс».



Шоҳизинда — тарихий обида.
Содиқжон МАҲКАМОВ олган сурат.

Шунақасиям бўлади

ЖАҲАННАМ УСТИДА 185 КУН

Фарангистонлик Жан Франсуа Гравле XIX асрда яшаб ўтган энг уста дорбозлардан саналади. 1859 йил 30 июнь куни у машҳур Ниагара шаршараси узра 48,75 метр баландликда тортилган узунлиги 335 метр, қалинлиги 76 миллиметрли арқон бўйлаб юриб ўтди. Худди шундай натижани у орадан бир йил ўтиб 1860 йилнинг 15 сентябрида яна такрорлади. Фақат бу сафар Гравленинг елкасида Хэрри Колкорд исмли ошнаси ҳам ўтирарди.

Фаранглар учун жаҳаннам узра нафақат юриб ўтиш, балки оёқни узатиб уйқу уриш ҳам чўт эмас кўринади. Гравленинг ватандоши Анри Раштан роппа-роса 185 кунни ўлим билан мушук-сичқон ўйнаб ўтказди. У 1973 йилнинг 28 мартидан 29 сентябрига қадар 25 метр баландликда тортилган 120 метрли арқон устида яшади. Раштаннинг арқон устида ухлай олиш лаёқати барчани, шу жумладан табобат билимдонларини ҳам ҳайратга солди.

1988 йилнинг 1 мартида эса яна бир фаранг Мишель Мене Вэнесуэладаги Салто Аккел шаршараси узра 1008 метр баландликка тортилган дор бўйлаб юриб ўтиб, дунёда тенги йўқ натижага эришди. Эртаси куни у ушбу натижани яна такрорлади.

21004UMFS ЧИҚАРИЛИШДАГИ ҚИСҚА МУДДАТЛИ ДАВЛАТ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ ҚОПЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида 1996 йил 26 мартда тузилган 1-сонли шартномага биноан 1996 йил 25 сентябрда тўртинчи чиқарилишдаги қисқа муддатли давлат облигацияларининг қопланишини маълум қилади.

а) Чиқарилиш рақами: 21004UMFS;

б) Чиқарилиш хажми: 1 500 000 000 (бир миллиард беш юз миллион) сўм;

в) Облигациянинг номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм.

Облигациялар тўлови 1996 йил 25 сентябрь куни соат 9.00 да қуйидаги манзилда амалга оширилади: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 6-уй.

21004UMFS чиқарилишдаги облигацияларни қоплашдан олинган маблағлардан 21007UMFS чиқарилишдаги облигацияларни харид қилишда фойдаланиш мумкин.

Тўлов билан боғлиқ масалалар бўйича облигация эгалари билан шартнома тузган дилерларга мурожаат қилиш мумкин.

ҚИСҚА МУДДАТЛИ ДАВЛАТ ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИНГ 21007 UMFS ЧИҚАРИЛИШИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида 1996 йил 26 мартда тузилган 1-сонли шартномага биноан 1996 йил 25 сентябрда қисқа муддатли давлат облигацияларининг еттинчи чиқарилишини сотиш бўйича кимошди савдоси ўтказилишини эълон қилади.

а) Чиқарилиш рақами: 21007UMFS;

б) Чиқарилиш ҳажми: 2 000 000 000 (икки миллиард) сўм;

в) Облигациянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм;

г) Облигациянинг қопланиш муддати: 1996 йил 25 декабрь;

д) Ўзбекистон Республикасининг резидентлари — ҳуқуқий шахслар облигацияларни сотиб олиши мумкин.

е) Рақобатдош бўлмаган талабномаларнинг максимал миқдори ҳар бир дилер рақобатдош талабномаси ҳажмининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Кимошди савдоси 1996 йил 25 сентябрь соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 6-уйда ўтказилади.

Кимошди савдоси ўтказилиши муносабати билан қисқа муддатли давлат облигацияларининг иккиламчи савдолари вақти ҳам ўзгаради. Савдолар 21005UMFS рақамли бешинчи чиқарилиш бўйича 24 сентябр сешанба куни, 21006UMFS рақамли олтинчи чиқарилиш бўйича 26 сентябрь пайшанба куни ўтказилади. Савдолар соат 10.30да бошланади. Манзил: Тошкент шаҳри Ўзбекистон шоҳ кўчаси 6-уй, Республика валюта биржаси.

Облигацияларни сотиш ёки харид қилишни хоҳлаган ва облигацияларнинг чиқарилиш шартларига мувофиқ, шу ҳуқуққа эга бўлган шахслар ва ташкилотлар қуйида рўйхати берилаётган дилер-банкларнинг исталганига мурожаат қилишлари мумкин.

Тартиб рақами	Дилер	Манзил, телефон
1	Ўзсаноатқурилиш банки	Тошкент ш. А. Тўқай кўч. 3 Тел. 33-24-86, 36-14-77
2	Миллий банк	Тошкент ш. Охунбобоев кўч. 23 тел. 33-17-12, 33-74-15
3	Ўзпахтабанк	Тошкент ш. Муқимий кўч. 43 тел. 78-10-94, 77-91-66
4	Халқ банки	Тошкент ш. Қатортол кўч. 46 тел. 78-29-45, 78-29-81, 78-82-14
5	Ғаллабанк	Тошкент ш. Лохутий кўч. 36 тел. 36-16-17
6	«Турон» АТББ	Тошкент ш. Навоий кўч. 44 тел. 42-23-85
7	Ўзприватбанк	Тошкент ш. Амир Темур кўч. 24 тел. 34-64-88
8	«Ипак Йўли» АИТБ	Тошкент ш. Фарҳод кўч. 12а тел. 76-89-73
9	Тошуйжойжамғармабанк	Тошкент ш. Пушкин кўчаси 17 тел. 36-33-31, 36-32-31, 33-29-57, 33-11-22
10	Алоқабанк	Тошкент ш. Толстой кўч. 1 тел. 36-10-21
11	Трастбанк	Тошкент ш. Навоий кўч. 7 тел. 41-01-10
12	Ўзгеолбанк	Тошкент ш. Т. Шевченко кўч. 11 тел. 56-19-20
13	Тошкент агроқурилиш банки	Тошкент ш. Халқлар Дўстлиги кўч. 11а тел. 77-27-55
14	Андижонбанк	Андижон ш. Бобур шоҳ кўч. 85 тел. 45-33-69 (Тошкент), 4-36-88 (Андижон)
15	Асакабанк	Тошкент ш. Қатортол. 46 тел. 78-51-81, 78-53-63

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

21.15 «Бизнес-уик».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50 — 00.20 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ёз оқшоми». Кинолавҳа.

*

Россия жамоат телевиденеиеси

6.30—8.00 «Телетонг».

***

18.05—20.35

*

20.35 «Шоҳсупа сари».

*

Россия давлат телевиденеиеси 21.00—21.20

*

21.20 Эълонлар.
21.25 «Янги қурбон». Телесериал.
22.10 — 22.15 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпанияси кўрсатувлари.
19.30 «Менинг маҳаллам».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Клип-антракт».
21.10 «Каталог».
21.25 «02» тулқинида.
21.40 «Эколот-коктейль».
22.10 «Тумансиз Британия».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Клип-антракт».
22.45 «Ирэндек».
23.15 Эълонлар.
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Юзма-юз». Мулоқот.
8.45 «Асрлар нидоси». Кинодастур.
9.20 «Хушнуд дамлар». Шийпондаги учрашувлар.
9.50 «Иванко ва қарғалар шоҳи». Мультфильм.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Умр мазмуни». Телеочерк.
10.25 Немис тили.
10.55 Кекса санъаткорлар концерти.
11.20 «Душанбагача бир гап бўлар». Бадиий фильм.
13.00 «Бола бошидан...». Мактабгача тарбия масалалари.
13.30 Диққат, премьера: «Мусиқа бўстони». «Узбектелефильм» маҳсулоти.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.35 «Хаммаси маҳалладан бошланади». Публицистик кўрсатув.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош».
18.30 «Муғолаа».
18.45 Бизнес ҳафта якунлари.
18.55 «Тақдим».
19.05 «Йигит омон бўлса...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Темурнома».
20.15 Оқшом эрталари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.25 «Ривоят».
21.35 «Эртага — шанба».
22.00 «Морена Клара». Телесериал.
22.45 «Маслаҳат».
23.00 «Офарин».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Бизнес ҳафта якунлари.
00.05 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультдаста».
9.25 «Табиат шифохонаси».
9.35 Дилором наволар.
9.45 «Таманно».
9.55 Видео янгиликлари.
10.20 Видео — «О».
12.00 — 14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...».
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Ўйинчоқлар растаси».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 «Камолот».
22.20 Хит-парад ва Эълонлар.
23.00—23.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Типратикан, ит ва Нико». Мультфильм.

*

Россия жамоат телевиденеиеси

6.30 - 8.00 «Телетонг».

***

18.15 - 20.35

*

20.35 «Мусиқа ҳақида мулоқот». 3-кўрсатув.

*

Россия давлат телевиденеиеси 21.00—21.20

*

21.20 Эълонлар.
21.25 «Янги қурбон». Телесериал.
22.20 — 22.25 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 «Билиб қўйган яхши».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Утмишсиз келажак йўқ». Манзарали фильм.
20.30 «Самарқанд жилолари».
20.40 «Юлдузлар туркуми».
21.10 Эълонлар.
21.15 Араб эстрадаси.
21.45 Кулги миллат танламайди. «Император хузурида мехмонда». Кинокомедия («Коламбия пикчерс», АҚШ).
22.20 Эълонлар.
22.25 «Мусиқий мехмонхона».
22.55 Эълонлар.
23.00 «Уй остонадан бошланади».
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 28

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Бинафшаранг шар». Бадиий фильм.
10.20 «Саҳна ҳаёти». Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланади.

«Ёшлик» студияси намойиш этади:

10.50 «Мулоҳаза, мунозара ва муносабат».
11.30 «Ғазалхон ёшлигим».
11.50 «Оқибат».
12.10 «Атланта учрашувлари». Бокс.
12.35 Эстрада тароналари.
13.05 «Дилдаги гаплар».
13.55 — 14.55 «Маънавият» видеоканали.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун кўрсатув. «Совга».
18.20 «Олам».
18.35 «Сир».
18.45 «Минг бир ҳунар соҳиблари».
18.55 «Бир қушиқ тўғагунча...».
19.10 «Ҳайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эрталари.
20.05 «Узбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Оҳанглар оғушида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Кўнгил».
21.40 «Баҳор»нинг янги баҳори».
22.10 «Рангин дунё».

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:

22.35 «Заковат».
22.45 «Имкон ҳўқиқлари».
23.00 «Ғор одамлари». Бадиий фильм.

II

9.00 «Бор эканда, йўқ экан...».
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Ўйинчоқлар растаси».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Камолот».
12.00 Видео — «О».
13.40 — 14.40 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Бугуннинг боласи».
18.20 «Жозиба».
18.30 Эълонлар.
18.35 «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дубляж».
20.10 «Тошкентнома».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.

«Шанба оқшоми». Дам олиш дастури:

21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 — 23.55 Видео — «О».

III

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевиденеиеси 17.20 - 21.40

*

21.40 Эълонлар.
21.45 «Спрут». Телесериал.

*

Россия давлат телевиденеиеси 22.45 - 23.15

*

23.15 — 23.35 «Мовий қуш». Телефильм.

IV

9.00 Шанба эртаги.
10.00 «Дийдор».
10.30 «Айчурек».
11.00 «Рангинкамон».
11.30 Эълонлар.
11.35 «Комедиантлар».
11.45 «КВН-96».
13.10 — 14.40 Кининг олтин асри. «Анжелика — фариштлар маркизаси». Бадиий фильм.

***

17 10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Шанба оқшомида».
19.10 «Олам ва одам».
19.35 Эълонлар.
19.40 «Беш дақиқа ўзим учун». Фойдали маслаҳатлар.
19.50 «Клип-антракт». Фредди Меркюри.
19.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.50 «Доктор Джулия ва миссис Хайдо». Телесериал.
21.15 Эълонлар.
21.20 «Спорт-дайджест».
21.50 «Рақслар қанотида».
22.20 «Эсдалик учун дастхат».
22.45 Эълонлар.
22.50 Кининг олтин асри. Робер Оссейн ва Мишель Мерсье «Анжелика ва қирол» фильмида.
00.15 — 00.25 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Санъат усталарининг концерти.
11.30 «Шаҳризоднинг охирги туни». Бадиий фильм.
12.55 «Фарзанд — умид юлдузи».
13.20 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 9-куй.
14.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
14.30 — 15.30 «Нурли келажак». Видеоканал.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Лего» сайёраси.
18.15 «Ал-Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
19.05 «Келгуси ҳафтада».
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Юлдузлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Буюк келажак сари».
21.25 Илҳом сатрлари.
21.30 «Бу мунис лаҳзалар».
21.50 «Шахс ва баҳс».
22.15 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 10-куй.
22.55 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.15 Тунги тароналар.
00.25 — 00.35 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 «Жозиба».
9.30 «Дубляж».
9.45 «Тошкентнома».
10.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
10.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
10.35 Видео — «О».
12.15—14.00 «Спорт қитъаси».

* * *

18.00 «Мухлис ТВ-2».
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мульти-пульти».
18.40 «Табиат шифохонаси».
18.50 «Дилором наволар». Мусиқий дастур.
19.00 «Таманно».
19.10 «Дармон».
19.20 Якшанба лавҳаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 Видео янгиликлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Норизо ва ношукурлар» туркумидан. Телесериал.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.20 «Мухлис ТВ-2».
22.30 «Даракчи».
22.40—00.10 Видео — «О».

III

18.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевиденеиеси 18.20 - 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Спрут». Телесериал.
23.00 — 23.25 «Панорама».

IV

9.00 «Эй, тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Узбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
9.40 Эълонлар.
9.45 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.15 «Дурдаршан» телекомпанияси кўрсатувлари.
11.45 «Парле ву франсэ?».
12.15 «Жонли сайёра».
12.45 Афсона ва ҳақиқат. «Велосипед тарихи». Ҳужжатли фильм.
13.15 «Клип-антракт».
13.25 «Иштирок этувчилар». Б. Ёқубов.
13.55 Ёшлар учун мусиқий дастур.
14.15 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.45 Киносалон. «Олишув». Бадиий фильм.
16.50 Мультэкран.
17.10 «Телеташриф».
17.20 «Мультқарусель».
17.50 Эълонлар.
17.55 «Клип-антракт».

*

18.10 — 19.45 Туркия телевидениеси.

*

19.45 «ТВ IV да етти кун».
20.00 Афсона ва ҳақиқат. «Монстр». Ҳужжатли фильм.
20.30 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографиси янгиликлари.
21.00 Эълонлар.
21.05 «Туризм-ревю».
21.35 «Иштирок этувчилар». З. Мусаков.
22.05 Эълонлар.
22.10 «Сенинг давринг».
22.40 Киносалон. Шон Пен «Безори» фильмида.
00.15 — 00.25 «Хайрли тун!».

ЛИТВАДА
Янги "ВАЗ"лар
053-4800$
074-5300$
093-6400$
099-6600$
1996 йилда ишлаб чиқарилган
Паневежикс шаҳри, Смелинуес кўчаси, 2с, "Эгзотика" фирмаси Тел: (0125) 42-29-39, 46-14-91.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банк курси бўйича

Хорижий фирмага қоровул керак. Шартнома асосида ҳақ тўланади. Ишга кирмоқчи бўлганларнинг суратлари бўлиши лозим.
Якшанбадан ташқари ҳар куни 9. 00 дан 18. 30 гача қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилиш мумкин: 44-81-93, 44-81-92.

2-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси шу билим юртининг психология ўқитувчиси **Фарида УМАРОВА**нинг бевақт вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ОМОНАТЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Халқ Банки

1996 йил 1 сентябрдан "депозит", "3 ойга", "6 ойга", "1 йилга"ча бўлган қисқа муддатли депозит омонат турларини очишни тўхтатганлигини маълум қилади.

1995 йил 1 сентябрдан кейин очилган ва сақланиш муддати 1 йилгача бўлган "депозит" омонати бўйича 80% йиллик фоиз ставкаси 1 йилгача сақланиб қолади. 1 йилдан ортиқ сақланган "депозит" омонатлари ҳаракати тўхтатилганлиги эълон қилиниб, 1996 йил 1 октябрдан бошлаб бу омонатга фоизлар "талаб қилиб олингунча" омонати бўйича белгиланади.



Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тел. 78-29-45, 79-68-91.

Ўзбекдавцирки Р/Б
Т. Эгамбердиев номли Тошдавцирки
20 сентябрдан 20 октябргача
катта цирк томошалари

Цирк санъатининг барча жанрларидан иборат 2 бўлимли ранг-баранг дастурли томошаларда

акробатлар, жанглёрлар, гимнастлар, эквилибристлар, масхарабозлар
ва бошқалар шунингдек, ўргатилган ҳайвонлар иштирок этади.

Томошалар жума куни соат 18.00 да, шанба ва якшанба кунлари соат 12.00 ва 15.00да бошланади. Билетлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.
Касса соат 10.00 дан 18.00 гача ишлайди.

Тел: 44-35-91, 44-29-04.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), **Аслиддин БОЛИЕВ** (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), **Владимир ЧЕБОТИН** (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), **Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), **Александр ТЮРИКОВ** (масъул котиб — «Голос Узбекистана»), **Салим АШУРОВ.**

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Н. ЖАЛИЛ, навбатчи А. ҲАЙДАРОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0492

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА